Email:

conference@houghtonstreetreview.com

Website:

www.houghtonstreetreview.com/index.php/conference

© 2026 International Online Conference on Multidisciplinary Academic Research. All Rights Reserved.

Editor-in-Chief:

Dr. Ewelum Johnson Nnadi

Managing Editors:

1.Harold Jan R. Terano

2.Dr. Mandakini Singla

3.Massoud Kaykhaii







НОДАВЛАР МУЗЕЙЛАР ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Э.Жалилов
Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: мақолада нодавлат музейлар фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, хусусан, илмий фаолиятидаги устувор жиҳатлар тахлил этилган

Калит сўзлар: реставрация, консервация, концепция, атрибуция, экспозиция, фиксимил,

Жаҳон музейшунослигида нодавлат музейларни ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш масалалалари узоқ асрлик тарихга эга. Замонавий жараёнда нодавлат музейларни илмий тадқиқот муассасаси сифатида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нодавлат музейларнинг ихчам, ўзига хос фонди, худудий жойлашуви педагогик илмий фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Дунёнинг йирик давлатларида нодавлат музейлар фаолиятининг илмий функцияларни бажариши билан баҳоланиши ҳам уларни ақл маркази сифатида тараққий этишига туртки бўлмоқда.

Америка қўшма штатлари ва Буюк Британияда нодавлат музейлар илмий фаолиятига асосий институционал вазифаларидан бири сифатида қаралади. Хусусан, АҚШ музейларида аккредитация жараёнида оригинал тадқиқот, мавжуд илмий манбаларни тадқиқ қилиш, лаборатория тадқиқотлари, коллекцияларни илмий ўрганиш ва улардан илмий нашрларда фойдаланиш каби кўрсаткичлар билан баҳоланади. Буюк Британияда айрим мустақил музейларга университетлар билан бир қаторда илмий грантлар олиш имконини берувчи Independent Research Organisation (IRO) мақоми берилади. Бу музейларнинг фақат экспозиция ва маданий-маърифий эмас, балки мустақил илмий тадқиқот субъекти сифатида ривожланишига хизмат қилади.

Жаҳонда музейлар, хусусан нодавлатлар музейларни ташкил этилиши ва фаолиятининг устувор йўналишларини белгилашда ёндашувлар турлича эканлиги кузатилади. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Япония тажрибасида нодавлат музейлар музей коллекцияларини сақлаш ва намойиш этиш вазифалари билан чекланмайди. Унда музейнинг молиявий барқарорлиги, жамоатчилик билан мулоқоти, рақамли трансформацияси, таълимий функцияси, инклюзивлиги ва маданий туризмдаги роли ўзаро боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

АҚШ нодавлат музейларида молиявий манбааларни диверсификация қилиш, Буюк Британия тажрибасида “аудиторияга йўналтирилган музей” концепцияси, Францияда хусусиф капитал ва маданий ташаббусларни музей фаолиятига жалб қилиш, Германияда музейларни маҳаллий ҳамжамиятлар билан ҳамкорликда фаолиятини йўлга қўйиш, Японияда миллий маданий меросни замонавий технологиялар орқали тарғиб қилувчи восита сифатидаги фаолияти устувор аҳамият касб этади.

Email:

conference@houghtonstreetreview.com

Website:

www.houghtonstreetreview.com/index.php/conference

© 2026 International Online Conference on Multidisciplinary Academic Research. All Rights Reserved.

Editor-in-Chief:

Dr. Ewelum Johnson Nnadi

Managing Editors:

1.Harold Jan R. Terano

2.Dr. Mandakini Singla

3.Massoud Kaykhaii







Ўзбекистонда расман 20 тага яқин нодавлат музейлар, бундан ташқари таълим муассасалари, турли ташкилотларнинг тарихи билан боғлиқ музейлар фаолият юритиб, уларни ташкил этилиши ташаббуслар ва маданий меросни асраш, хотирани абадийлаштиришга қаратилмоқда. Шу маънода уй-музейлар, этнографик музейлар, ҳунармандчилик тарихи билан боғлиқ музейлар, маълум соҳа ривожланиш тарихига бағишланган музейлар етакчилик қилади. Нодавлат музейлар фаолиятини ривожлантириш орқали уларнинг жамиятдаги ўрнини кучайтириш, музей педагогикасида унумли фойдаланиш долзарб вазифалардан саналади.

Нодавлат музейлар фаолиятини ривожлантиришда музей коллекцияси, худуднинг тарихи ва маданий мерос хусусиятларидан келиб чиқиб, истиқболли илмий-тадқиқот йўналишини белгилаш ва дастурни ишлаб чиқиш зарурати вужудга келди. Давлат музейларида фарқли нодавлат музейлар фаолиятини ривожлантириш соҳани янги босқичга олиб чиқишда мухим восита саналади. Риштон анъанавий кулолчилик тарихи музейи фаолиятининг ташкил этилиши бу йўналишда қилиниши керак бўлган асосий йўналишларни белгилаб берди. Музей нафақат анъанавий кулолчилик, балки туризмни ривожлантиришда нодавлат музейларнинг аҳамиятини юқори эканлигини кўрсатиб берди. Ўзбекистон анъанавий амалий санъати тарихи ҳар бир худуд хусусиятидан келиб чиқиб, ҳунармандчилик марказлари ва музейларини ташкил этиш мумкин.

Нодавлат музейларнинг фаолияти асосан кўргазма ва ташриф буюрувчиларни экспозиция намойишидан иборат бўлгани ҳолда музейда тарих, музейшунослик, реставрация, рақамлаштирирш ва илмий-методик ишлар бўйича малакасини ошириш зарурати пайдо бўлмоқда. Нодавлат музейлар ходимларининг аксари музейшунослик бўйича маълумотга эга эмас. Кадрларни музей ихтисислигидан келиб чиққан ҳолда малакасини ошириш, рақамлаштириш бўйича касбий кўникмаларини ривожлантириш, музейларнинг сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини оширишга қаратилган турли контентлар яратиш кераклигини кўрсатмоқда.

Нодавлат музейлар маълум соҳанинг шаклланиши ва ривожланишини кўрсатгани ҳолда фаолиятида маърифий ишлар устувор аҳамият касб этади. Нодавлат музейлар фондидаги экспонатларнинг таълим жараёнидаги аҳамиятини инобатга олиб, таълим ҳамда илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш, қўшма илмий лойихаларни бажариш, имлий семинарлар, конференцияларни ташкил этиш музейнинг илмий фаолият самарадорлигини ошириш имконини беради. Алоқа тарихи музейи, Тошкент политехника музейи, Тошкент темир йўл технологиялари музейлари мос равишда ахборот технологиялари, техника йўналишларида кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари учун амалиёт бахаси ва илмий тадқиқот муассасалари учун лобаратория вазифасини бажаради. Кўчма маърузалар, соҳа мутахассислари билан учрашувлар талабаларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш имкониятини беради. Бу борада Буюк Британия тажрибаси мухим рол ўйнайди. Музейнинг ижтимоий фаолиятга аҳамият берилиши музейларни таълим, ижтимоий мулоқот институти сифатидаги аҳамиятини ривожлантиришга аҳамият бермоқда. Жамоатчилик билан ҳамкорлик, болалар учун таълимий дастурлар, инклюзив музей мухитини яратиш, музейнинг ижтимоий таъсирини баҳолашда маҳаллий ҳамжамиятларнинг ролини ошириш

Email:

conference@houghtonstreetreview.com

Website:

www.houghtonstreetreview.com/index.php/conference

© 2026 International Online Conference on Multidisciplinary Academic Research. All Rights Reserved.

Editor-in-Chief:

Dr. Ewelum Johnson Nnadi

Managing Editors:

1.Harold Jan R. Terano

2.Dr. Mandakini Singla

3.Massoud Kaykhaii







муҳим вазифа саналади. “Аудиторияга йўналтирилган музей” концепцияси нодавлат музейларнинг соҳалар бўйича таълимий дастурларини кенгайтириш, таъсирчанлигини ошириш имконини бермоқда. Ўзбекистон нодавлат музейлари ушбу йўналишда мактаблар, ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Нодавлат музейлар коллекцияларини илмий ҳужжатлаштириш, коллекцияларни рақамлаштириш, электрон каталоглар яратиш, виртуал кўргазмаларни ташкил этиш музейлар имкониятларини янада кенгайтиради. Ўзбекистонда давлат музейлари фондини рақамлаштириш ишларига жиддий эътибор берилаётганлиги ҳолда нодавлат музейларда ҳам фондларни электрон базасини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Нодавлат музейлар фондини рақамлаштириш фақатгина музей коллекциялари ҳисобини юритиш эмас, унинг жамоатчилик билан очиқлигини таъминлаш, илмий-тадқиқот ва таълимий фаолиятни ривожлантириш, аудитория қамровини ошириш ва иқтисодий барқарорлигин таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаб, уларни модернизациялар имконини кенгайтиради.

Жаҳон замонавий музейшунослигида нодавлат музейлар фаолиятини ташкил этишнинг давлат миқёсида ўзига хос тажрибаси шаклланган. Жумладан Америка Қўшма Штатлари музейларида нодавлат сектор хусусий ташаббуслар, хайрия ва ҳомийлик ва жамоатчиликнинг қўллаб қувватлашига таянган ҳолда фаолиятини ташкил этади. Индивидуал ва корпоратив донорларни музей фаолиятга жалб этиш, “музей дўстлари клуби”ни ташкил этиш, хайрия фондлари билан ишлаш, маблағ жалб этишга қаратилган турли тадбирлар, таълимий дастурлар, рақамли контент ва онлайн хизматлар, музей дўконлари ва қўшимча хизматлар кўрсатиш музейнинг асосий фаолият йўналишларига айланган.

Ўзбекистонда нодавлат музейларга ҳомийлик қилиш, хайрия ва грантлар ажратиш механизмлари институционал жиҳатдан шаклланмаган. Илмий тадқиқотлар учун дастурларни ишлаб чиқиш, жумладан халқаро грантлар, молиявий донорлар билан ишлашга эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун фондлардаги ашёлар асосида каталоглар, монографиялар, альбомлар нашр этиш, мумуман ноширлик фаолияти билан шуғулланиш ишларини тизимли ташкил этиш лозим. Илмий натижаларни музей экспозициясига тадбиқ этиш, мавзули кўргазмалар, таълимий дастурларни янгилаб бориш, оммавий тадбирларни мазмунан бойитиб бориш илмий фаолият самарадорлигини ошириш имконини беради.

Ўзбекистонда нодавлат музейларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида меъёрий ҳужжатларда мулкдор маблағлари ва бошқа таъқиқланмаган манбаалар асосида амалга оширилиш бегиланган. Ҳомийлик маблағлари, грантларни жалб этиш ва бошқа манбааларни жалб этиш таъқиқланмаган. Ўзбекистон Республикасининг “Меценатлик тўғрисида”ги Қонунида “меценатнинг меценатлик фаолиятини амалга ошириш шаклларини танлаш ҳуқуқи чекланишига йўл қўйилмайди. Давлат меценатлик фаолиятини меценатларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда тарифлар бўйича имтиёзлар ва преференциялар бериш, меценатларни давлат мукофотлари ёки бошқа мукофотлар билан тақдирлаш, меценатларнинг номларини абадийлаштириш,

Email:

conference@houghtonstreetreview.com

Website:

www.houghtonstreetreview.com/index.php/conference

© 2026 International Online Conference on Multidisciplinary Academic Research. All Rights Reserved.

Editor-in-Chief:

Dr. Ewelum Johnson Nnadi

Managing Editors:

1.Harold Jan R. Terano

2.Dr. Mandakini Singla

3.Massoud Kaykhaii







Давлат меценатлик фаолиятини қонунчиликка мувофиқ бошқа йўллар билан ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин”лиги белгиланган[1].

Сўнгги йилларда музейларни рақамлаштириш ва тижоратлаштириш учун имконият яратилди. Давлат музейларидан фарқли нодавлат музейлар, галереяларда хусусий коллекцияларни жамоатчиликка тақдим этишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, вақтинчалик экспозицияларни ташкил этиш, корпоратив ҳомийликни ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Нодавлат музейларга ҳомийлик маблағларини жалб этишда донорлар, фондлар ва индивидул хомийлар билан ишлаш тажрибасини орттириш тақозо этмоқда. Музейлар экспонатни сақлаш, кўргазма ташкил қилиш ва ташриф буюрувчиларни қабул қилиш билан чекланиб қолмасдан, туризмга интеграциясини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Меценатликни кўп ҳолларда бир марталик ёрдам сифаитда ташунмаслик, аниқ натижага қаратилган ва ижтимоий таъсир кучига эга таклифларни ишлаб чиқиш орқали узоқ муддатли корпоратив ҳамкорликни йўлга қўйиш, музей аъзолиги орқали мустақил молиялаштириш механизмини шакллантириш керак. Оддий, оилавий, талабалар, VIP ва корпоратив аъзолик эвазига имтиёзли кириш, махсус экскурциялар, ёпиқ кўргазмаларга кириш, доимий аъзолар учун махсус каталоглар, махсус сувенирлар совға қилиш орқали доимий дорнорлар базасини шакллантириш замонавий музейшунослик амалиётида қўлланилган ижобий тажриба саналади.

Ўзбекистонда нодавлат музейлар музейларида мулкчилик шаклидан қатъий назар фандрайзинг фаолиятини такомиллаштириш зарур. Музей менежменти соҳасида фаолият юритувчи кадрларни тайёрлашга эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети, Фарғона давлат университети, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Музейшунослик: музей менежменти ва маданий туризм йўналишида кадрлар тайёрланмоқда. Ўтган йиллар давомида бакалавр, магистратура ва олий таълимдан кейинги таълим дастурлари орқали малакали кадрлар, мутахассислар, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилган бўлсада, фандрайзинг, хомийлар билан ишлаш, корпоратив шериклик, музей маркетинги, PR ва коммуникация, музей тадбиркорлиги, рақамли музей технологиялари, электрон фондларни бошқариш, аудитория билан ишлаш, музей хизматларини тижоратлаштириш ва музейнинг бизнес-моделини ишлаб чиқиш бўйича амалий кўникмаларга эга кадрларга эҳтиёж юқорилигича қолмоқда. Шу сабабдан музейларга маблағ жалб қилишнинг муқобил усулларини қўллаш компетенциясига эга, музей маркетинги доирасида нодавлат ташкилотлар, меценатлар, ҳомийлар, жамоат фондлари ва хусусий фирмалар ёрдамини жалб қилиш зарурияти мавжуд.

Нодавлат музейларда профессионал билим ва тажрибага эга кадрлар фаолиятини йўлга қўйиш зарур. Аксар нодавлат музейлар ихтисослашган соҳасига оид анъаналарни сақлаш мақсадида ташкил этилгани боис амалиётчи

[1] “Меценатлик тўғрисида”. Ўзбекистон Республкасининг Қонуни 16.10.2019 йил, ЎРҚ-571-сон.// https://lex.uz/uz/docs/4556122

Email:

conference@houghtonstreetreview.com

Website:

www.houghtonstreetreview.com/index.php/conference

© 2026 International Online Conference on Multidisciplinary Academic Research. All Rights Reserved.

Editor-in-Chief:

Dr. Ewelum Johnson Nnadi

Managing Editors:

1.Harold Jan R. Terano

2.Dr. Mandakini Singla

3.Massoud Kaykhaii







соҳа мутахассислари фаолияти билан чекланган, шунингдек моддий манфаатдорликдан келиб чиқиб, чуқур назарий билимга эга музейшунос кадрга эҳтиёж билдирмайди. Шундай бўлсада, музейлар фаолиятини ривожлантириш, қамровни кенгайтириш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, хорижий тажрибаларни ўзлаштирган ҳолда вазифаларини мунтазам янгилаб боришда музейшунос кадрларни жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда нодавлат музейлар фаолиятини мониторинг қилиш, фаолиятини баҳолаб бориш ва натижадорликка қараб грантлар ажратиш амалиётини йўлга қўйиш лозим. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари учун ажратиладиган танловларда нодавлат музейлар иштирокини таъминлаш ва шу орқали фаолияти самарадорлигини назорат қилиш имконини беради.

Музейларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича мухим қарорлар қабул қилинди, ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди. Аудитория билан ишлашда янги механизмларни жорий этиш имконияти пайдо бўлди. Нодавлат музейлар, хатто давлат музейларда ҳам брендинг масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Фонддаги ноёб ашёлар, йирик кўргазма лойихаларини амалга ошириш орқали бренд яратиш аудиторияни жалб этишда муҳим рол ўйнайди. Брендинг музейни хизматалар қийматини белгилаш, бизнес мухитига олиб киришда алоҳида ўрин тутади.

Музейшуносликка доир тадқиқотларда ўтган давр мобайнида музейлар фақат фактик ташрифчиларга хизмат кўрсатиб, потенциал ва виртуал аудиториянинг талаб ва таклифлари, қизиқишлари эътиборга олинмаганлиги, экскурсия пакетлари ишлаб чиқилмаганлиги, музей аудиторияси билан ишлашда стандарт методлардан ташқари рақамли сервис орқали подкаст, чат-ботларда викториналар, онлайн вебинарлар, AR-никоблар, воркшоп имкониятларидан фойдаланишнинг концептуал лойиҳаларини амалга ошириш бўйича илмий хулосалар берилган.

Шунингдек, санъат асарларини жаҳон маданий маконига фаол интеграциялашувини таъминлаш, оммалаштириш ва тарғиб этишда Ўзбекистон бадиий музейларини ребрендинг қилиш, йиллар давомида музей заҳирахоналарида сақланаётган музей ашёларини брендга айлантириш, бунинг натижасида музей айдентикасини такомиллаштириш имконияти асосланган[2].

Ўзбекистонда нодавлат музейлар фаолиятини такомиллаштириш ва илмий фаолиятини ривожлантириш бўйича аввало нодавлат музейларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳомийлик, аъзолик бадаллари, грантлар, хайрия ва корпоратив шериклик каби муқобил молиялаштириш механизмларидан фойдаланиш амалиёти етарли даражада институционаллашмаган ҳисобга олиш керак. Музейларда фандрайзинг ва лойиҳа менежменти компетенцияси, грант лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантириш имкониятларининг чекланганлиги, музей маркетинги ва аудитория билан ишлаш механизмларининг ривожланмаганлиги ҳамда бизнес сектор билан узоқ

[2] Нишанова К.С. “XX-XXI асрларда Ўзбекистон бадиий музейларининг ривожланиш тенденциялари” мавзусидаги санъатшунсолик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: 2021 й. 4-б.

Email:

conference@houghtonstreetreview.com

Website:

www.houghtonstreetreview.com/index.php/conference

© 2026 International Online Conference on Multidisciplinary Academic Research. All Rights Reserved.

Editor-in-Chief:

Dr. Ewelum Johnson Nnadi

Managing Editors:

1.Harold Jan R. Terano

2.Dr. Mandakini Singla

3.Massoud Kaykhaii







муддатли маданий шериклик моделларининг шаклланмаганлиги билан изоҳланади.

Нодавлат музейлар фаолиятини такомиллаштириш, молиявий мустақиллигини таъминлашда уларнинг ўзаро узвий алоқадорликда ривожланиши муҳим эканлигини қайд этиш керак. Шунингдек, нодавлат музейлар фаолиятини такомиллаштиришга доир меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш лозим.

Нодавлат музейларга соҳада билим ва тажрибага эга мутахассисларни жалб этиш механизмларини ишлаб чиқиш, фаолиятини кенгайтиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш, илмий грантларда мустақил иштирок этиш, тадқиқот базасига айлантириш, олий таълим муассасалари билан қўшма илмий лойиҳалар амалга ошириш, халқаро илмий дастурларда иштирок этиш, музей коллекциялари асосида илмий нашрларни тайёрлаш бўйича фаолиятини рағбатлантириш керак. Бунинг учун аввало, нодавлат музейларни илмий-тадқиқот субъекти сифатида эътироф этиш, музейларга илмий грантлар олиш учун махсус танловлар ташкил қилиш, нодавлат музейларнинг ягона электрон илмий каталогини шакллантириш лозим.

Илмий фаолият натижадорлигини баҳолайдиган миллий музей KPI тизимини ишлаб чиқиш, илмий салоҳияти юқори нодавлат музейларга махсус “илмий музей” мақомини бериш, хорижий музейлар билан қўшма тадқиқот ва грант лойиҳаларини рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Юренева Т. Ю. Музеи мира: история и коллекции, шедевры и раритеты. – М.: Эксмо, 2011. – 495 с.
2. Юренева Т. Ю. Музееведение: учебник для студентов гуманитарных специальностей вузов. 4-е изд., испр. и доп. – М.: Академический Проект; Альма Матер, 2007. – 560 с.
3. Юренева Т. Ю. Художественные музеи Западной Европы: история и коллекции: учебное пособие. – М.: Академический проект, 2007. – 464 с.
4. Юренева Т. Ю. Музееведение: учебник для подготовки кадров высшей квалификации. – М.: Институт Наследия, 2020. – 440 с.
5. Равикович Д. А. Охрана памятников истории и культуры в РСФСР 1917–1967 гг. // Труды НИИ музееведения и охраны памятников истории и культуры. – М., 1970. – Вып. 22. – С. 3–127.
6. Равикович Д. А. Музейная сеть РСФСР (современное состояние) // Музей и современность. – М., 1976. – Вып. 2. – С. 33–49.
7. Равикович Д. А. Социальные функции и типология музеев // Музееведение. Вопросы теории и методики. – М., 1987. – С. 10–24. – (Сб. науч. тр. / НИИ культуры).
8. Равикович Д. А. Формирование государственной музейной сети (1917 – первая половина 1960-х гг.): научно-методические рекомендации. – М., 1988. – 152 с. – (Министерство культуры РСФСР. Академия наук СССР. НИИ культуры).